

УДК.332.3:633.2

Хидиралиев К.Э., г.ф.н., доцент

Йўлдошев А.С., магистр

Турсунбаева М.Ў., талаба

Гулистон давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ИСТИҚБОЛИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги моҳияти очиб берилган. Республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиш асослари ўрганилган. 2030 йилгача Республика қишлоқ хўжалиги доирасида қабул қилинган ривожланиш стратегияси моҳиятига эътибор қаратилган. Ушбу стратегияда берилган вазифаларга амалий ёндашилган.

Калит сўзлар: Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, ислоҳотлар, самарадорлик, модернизация, технология, аграр, тармоқ.

Khidiraliyev K.E., candidate of geography, docent

Yuldoshev A.S., Master

Tursunbayeva M.U., student

Gulistan State University

PROSPECTS FOR AGRICULTURAL PRODUCTION IN UZBEKISTAN: PROBLEM AND SOLUTION

Annotation: This article describes the essence of agriculture. The fundamentals of the development of agriculture in the republic have been studied. Attention is focused on the nature of the development strategy adopted in the framework of the agriculture of the republic until 2030. A practical approach to the tasks set in this strategy.

Key words: Production, agriculture, reforms, efficiency, modernization, technology, agrarian, industry.

Кириш. Аҳолининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, асосан қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш жараёнига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади. Агар эътибор берадиган бўлак, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган соҳалардан бири қишлоқ хўжалигидир.

Иқтисодиётнинг мазкур тармоғи ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб, унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши аҳоли турмуш даражаси яхшиланишини таъминлайди. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасида туб ислохотларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистонда 2021 йил ЯИМ нинг номинал ҳажми 734,6 трлн. сўмни ёки 69,2 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, қишлоқ хўжалиги **25,0** фоизни ёки 183,5 трлн. сўмни, хизматлар **35,7** фоизни ёки 262,5 трлн. сўмни, саноат **25,8** фоизни ёки 189,6 трлн. сўмни, қурилиш **6,2** фоизни ёки 45,8 трлн. сўмни ва экспорт импорт маҳсулотларига соф солиқлар **7,2** фоизни ёки 53,2 трлн. сўмни ташкил этган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги ўзига хос ўзгаришларни **1-жадвалдан** ҳам кўрсак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши бугунги кунда уларда инновацияларнинг қўлланилиши билан боғлиқ. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида қўллаб-қўллайдиган лойиҳалар амалиётга татбиқ

этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоғи республикамизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш афзаллиги билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланиши иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

1-жадвал. Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари (2021 йил)

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021й.
Қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, минг гектар	3 309,4	3 396,1	3 260,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм. шу жумладан:	216 283,1	250 250,6	302 524,9
деҳқончилик	111 904,8	123 858,8	151 083,4
чорвачилик	104 378,3	126 391,8	151 441,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, 2020 йилга нисбатан фоизда.	103,3	102,7	103,6
деҳқончилик	104,8	103,2	103,1
чорвачилик	101,6	102,1	104,1

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар киритилиши билан саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлиги ошади, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳолининг импорт товарлар ўрнини босадиган маҳаллий истеъмол товарларини сотиб олиш имкониятини оширади ва бу аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлайди[1].

Асосий қисм. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга эга. Бозорларимиз тўкин, халқимиз ризқи мўл-кўл бўлишидан тортиб, экспортдан қўшимча даромад топишгача бўлган жуда кўп масалалар шу йўналиш ривожига боғлиқ. Лекин узоқ йиллар давомида аграр соҳага етарлича эътибор берилмади. На бозор иқтисодиёти, на ерга муносабат, на манфаатдорлик бор эди. Маблағ, илмий инновациялар жалб этилмади. Оқибатда ерлар “чарчаб”, унумдорлик пасайиб кетди. Маҳсулотни қайта ишлаш, қўшимча қиймат олиш бўйича тизим яратилмади. Кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Давлат харид нархлари қарийб 3 баробарга кўтарилгани натижасида деҳқон ва фермерларда манфаатдорлик туйғуси ошди. Пахтачилик ва ғаллачилик ҳашар эмас, чинакам даромад манбаига айланди.

Янги технология ва инновацияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди. 2021 йилнинг ўзида 25 минг гектар пахта майдонларида сув тежовчи янги суғориш тизими жорий қилинди. Фойдаланишдан чиққан 1 миллион 100 минг гектар ерни қайта ишга киритиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар бошланди. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилди. Бу иқтисодиётимизнинг асосий ўсиш нуқтаси, “драйвери” бўлди. Минг-минглаб иш ўринлари яратилди, одамларнинг даромади ошди.

Ер эгалари унумдорлик ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга инвестиция киритишга интилиши учун уларнинг эртанги кунга тўла ишончи бўлиши керак. Шу боис давлатимиз раҳбари қонунчиликни бутунлай янгилаб, ер ажратишнинг шаффоф тизими ва ерга бўлган ҳуқуқнинг кафолатланишини, ернинг дахлсизлигини таъминлаш, ерга бўлган муносабат тушунчасини ҳуқуқ соҳасига киритиш зарурлигини таъкидлади. Бу нафақат аҳоли бандлиги, экспорт, балки бюджетга қўшимча даромадлар тушумини

ҳам таъминлайди. Бунда, аввало, қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисобини юритиш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, “Давергеодезкадастр” кўмитасига 2022 йил охирига қадар республиканинг барча ҳудудларида ерни ҳисобга олиш ишларини якунлаш, ер ҳисобини юритиш бўйича ягона электрон базани яратиш топширилди.

Қишлоқ хўжалигида сувдан тўғри фойдаланиш ҳам жуда муҳим масала. Таҳлилларга кўра, юртимизда экин майдонларига миллиардлаб куб метр сув йўналтирилса-да, унинг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, қолгани эса ирригация тизимларида ва суғориш жараёнида йўқотилади. Жаҳон ресурслар институти тахминларига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган 33 мамлакат қаторига кириши мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унинг ҳисобини юритиш, ҳар йили 200 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиб бориш зарурлигини таъкидлади. Соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, бу борадаги жаҳон тажрибаси таҳлил қилинди.

Масалан, Туркияда 1 гектар ердан 2 минг долларлик, Мисрда 8 минг долларлик, Исроилда 12 минг долларлик маҳсулот етиштирилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич 300 доллардан ошмаяпти. Доим ягона стандартдаги товар етказиб бериш йўлга қўйилмагани сабабли маҳсулотларимиз ташқи бозорда рақобатлаша олмаяпти.

Аграр тармоқдаги экспорт ҳажми 2018 йилда 2,3 миллиард долларни ташкил этган. Стратегияда белгиланаётган вазифаларни амалга ошириш натижасида бу кўрсаткични 2030 йилга бориб 20 миллиард долларга етказиш мўлжалланмоқда. Стратегиядаги вазифаларни самарали амалга ошириш, энг аввало, кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Бу соҳага ихтисослашган 7 та олий

таълим муассасасини ҳар йили 3 мингдан ортиқ ёш битирса-да, ҳудудларда кадрлар етишмаяпти. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўқ, замонавий таълим услублари жорий қилинмаган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантиришга бюджетнинг 0,1 фоизигина йўналтирилади. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 2-3 фоиз атрофида.

Умуман олганда, янги стратегия қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий қилиб, илмий асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортни кўпайтириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар ҳажмини бир неча баробар оширишга хизмат қилади [2].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш йўналишлари сифатида, қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш **мумкин:** аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Стратегияда белгиланганидек, қишлоқ хўжалигини давр талаби асосида ривожлантириш натижасида, 2030 йилгача қуйидаги натижаларга эришиш **мумкин:**

-ер ажратиш ва уни олиб қўйишда шаффоф тизим яратилади, коррупция ва бошқа субъектив ҳолатларнинг олди олинади, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини кафолатлайдиган тизим яратилади;

-ерларни ноқонуний ажратиш, улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кескин камайишига эришилади ва 1,1 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ўзлаштирилади, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

-қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўлиқ хатловдан ўтказилади ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг ҳақиқий бозор нархи шаклланади, бу ҳуқуқдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш мумкин бўлади, тадбиркорлар ва аҳоли кўлидаги капитал қиймати ўз-ўзидан ортади, ер солиғи солинадиган базани кенгайтириш имконияти яратилади;

-республика ҳудудларида суғоришнинг сув тежовчи тизимларидан фойдаланилиш майдонлари кенгайтирилади, ушбу тизимларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилади ва сув истеъмолчилари, сув етказиб берувчилар ўртасида ҳисоб-китоблар истеъмол қилинган сувни етказиб бериш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ва бозор механизмлари асосида амалга оширилади;

-ҳудудлар ихтисослаштирилади, бир жойда бир хил маҳсулотларни етиштириш, агроинновацион ғояларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга шароит яратилади ва пахта хомашёси, бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади

-илм-фан, таълим, ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси амалга оширилади;

-кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта таълим ўртасида узвий алоқадорлик таъминланади ва илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий техник базаси яхшиланади, лаборатория жиҳозлари янгиланади, ходимларнинг малакаси оширилади;

-бошоқли донни биржа савдоларида чекловларсиз сотилишига имкон яратилади, давлат харидлари камайтиради ва бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этилади;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлиги ортади ва қишлоқ хўжалигида ўртача меҳнат унумдорлиги 1,7 баробар ошади;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн тонна қувват яратилади ва маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичи 30 фоизга етказилади (2030 йилга қадар экспорт ҳажми 20 млрд АҚШ долларига етказилади) [3].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А.-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти-(дарслик)-Т.:ТДИУ, 2004-304 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси.
3. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. - Т.: «Ўзбекистон», 1994.